



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Рахбар Муртазаева МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИДА ИЛМ-ФАННИНГ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИ.....	5
2. Тўлқин Алиев ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	16
3. Нодирабегим Ваисова ВКЛАД Ю.Ф. БУРЯКОВА В ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИИ СОГДИАНЫ.....	25
4. Sevara Elmurodova MUSTAQILLIK YILLARIDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR.....	32
5. Risqiniso Maxmudova O'ZBEKISTON SSRDA ALIFBO SIYOSATINING GEOSIYOSIY MAQSADLARI.....	38
6. Mohira Matnazarova ILK TEMIR DAVRIDA OROLBO'YI KO'CHMANCHI AHOLISINING IJTIMOIIY-IQTISODIY HAYOTI.....	44
7. Nargiza Raxmatova O'RTA OSIYO XALQLARI MUSIQA MADANIYATI TARIXIDAN.....	48
8. Фаррух Разаков СТАНОВЛЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ И ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ С ГОСУДАРСТВОМ ШЕЙБАНИДОВ.....	54
9. Hilola Normamatova CHOCHDA ZARB ETTIRILGAN G'ARBIY TURK XOQONLIGI TANGALARIDAGI DINIY- SIYOSIY RAMZLAR.....	63
10. Нодира Холмонова РОССИЯНИНГ ХИВА ХОНЛИГИДА ЮРИТГАН ИҚТИСОДИЙ - ПУЛ СИЁСАТИ (айрим тадқиқотлар мисолида).....	67
11. Rashid Xolmurodov JIZZAX VILOYATIDA TURIZMNING RIVOJLANTIRILISHI.....	72
12. Davlatbek Qudratov O'ZBEKISTON VA BANGLADESH: ISLOM HAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDA IQTISODIY VA GUMANITAR HAMKORLIK ISTIQBOLLARI.....	79



Тўлқин Тургунович Алиев,
ТДИУ “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси
tolqinjon.aliyev87@gmail.com

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Tulqin T. Aliyev. HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN TASHKENT CITY. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17966862>

АННОТАЦИЯ

Тошкент шаҳрида иқтисодиётни янада эркинлаштириш устувор йўналиш қилиб олинган бўлиб, бу соҳадаги асосий вазифа – мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган иқтисодиётни барпо этишдан иборат. Бу устувор вазифани бажариш мақсадида эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бозорнинг бошқа тузилмалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, уларнинг барча ишлаб чиқариш ва ахборот ресурсларидан фойдаланишига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мамлакат ичкарасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш зарур.

Тулқин Тургунович Алиев,
старший преподаватель кафедры
социальных наук ТДИУ
tolqinjon.aliyev87@gmail.com

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ

АННОТАЦИЯ

В Ташкенте в качестве приоритетной задачи рассматривается дальнейшая либерализация экономики, и главной задачей в этой сфере является формирование класса собственников и построение экономики, в которой частная собственность играет ведущую роль. Для выполнения этой приоритетной задачи необходимо создать экономические и правовые условия для свободного предпринимательства, укрепить связи бизнес-структур с финансовыми, банковскими и другими рыночными структурами, обеспечить им широкий доступ ко всем производственным и информационным ресурсам, создать систему, гарантирующую сбыт производимой ими продукции как внутри страны, так и за ее пределами.

Tulqin T. Aliyev,
Senior Lecturer, Department of Social Sciences,
TDIU tolqinjon.aliyev87@gmail.com

HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN TASHKENT CITY

ABSTRACT

In Tashkent, further liberalization of the economy is considered a priority task, and the main task in this area is the formation of a class of owners and the construction of an economy in which private property plays a leading role. To fulfill this priority task, it is necessary to create economic and legal conditions for free entrepreneurship, strengthen the ties of business structures with financial, banking and other market structures, provide them with broad access to all production and information resources, create a system that guarantees the sale of their products both within the country and abroad.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Авесто”, “Артхашастра”, “Темур тузуклари”, иқтисодиёт бозори, мулкдорлар синфи, хусусий мулкчилик, глобаллашув.

Долзарблиги:

Маълумки, қадим замонларда шаҳарларнинг пайдо бўлишида, аввало, ҳимоя ва таъминот масаласи ҳал қилувчи ўрин тутган. Шу маънода, Тошкентнинг Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган ҳудудда, азим Сирдарё ва Чирчиқ дарёларининг серсув сохилларида, олтин ва кумуш, мис ва кўрғошин, рангли металл конлари, кенг дала ва яйловлар, бой табиат ва ҳайвонот оламига эга бўлган воҳада пайдо бўлгани, адбатта, бежиз эмас. Ана шундай беқиёс имкониятлар ҳисобидан бу ерда қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик, металл қазиб олиш, тўқимачилик, кулоллиқ ва шишасозлик сингари касбу ҳунарлар кенг ривож топган. Буни кўҳна Тошкентда мавжуд бўлган Темирчи, Мисгарлик, Дегрезлик, Ўқчи, Эгарчи, Тақачи, Маҳсидўзлик, Кўнчилик, Парчабоф каби кўча ва маҳаллалар, гузарларнинг тарихий номлари ҳам яққол исботлаб турибди. Айниқса, тошкентлик мохир усталар томонидан тайёрланган жанговар қуроллар, жумладан, Шош камонлари ва ўқ-ёйлар, эгар-жабдуқ ва қалқонлар дунёда машҳур бўлганини ҳам турли манбалар тасдиқлайди[6].

Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот жараёнида тарихий қиёслаш, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашув каби усулларига таянилган ҳолда, Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тарихи илмий таҳлил этилди.

Илмий тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг асосини мустақиллик йилларида турли соҳа мутахассислари томонидан яратилган нашрлар жумладан, тарих, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, социология йўналишларидаги тадқиқот ишлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган иқтисодий мавзудаги таҳлилий материаллар ва айрим статистик маълумотлар ташкил қилади. Шу боис мавзунинг ўрганилганлик даражасини тадқиқ этиш учун диссертацияда тадқиқот даврига оид адабиётларни ҳудудий ва соҳа йўналишига кўра қуйидаги 2 гуруҳга бўлган ҳолда таҳлил этдик:

- 1) Маҳаллий олимларнинг нашр этган адабиётлари;
- 2) Хорижда эълон қилинган адабиётлар.

Диссертация тарихшунослиги бўйича маҳаллий олимлар томонидан тарихий мавзуда яратилган адабиётлар алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, мазкур адабиётлар бирмунча манбаларга бойлиги, масаланинг у ёки бу жиҳатлари таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради. Яратилган мазкур асарлар, дарслик ва қўлланмаларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тарихий ривожланиш тенденциялари, мазкур йўналишда аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда унинг устувор

йўналишларини янада рағбатлантириш масалалари баён қилинган. Бу борада Р. Абдуллаев, Ш. Рахматуллаев, М. Рахимов, Э. Нуриддинов, Ш. Зиёмов, Ф. Рашидова, А. Халлиев, А. Голованов, Д. Ғуломова, Т. Мўминов, Н. Обломуродов, А. Ҳазраткулов, Қ. Усмонов, М. Содиков, В. Ишқуватовларнинг ўз мавзулари доирасидаги тадқиқотлари, чоп этган китоблари[7] бирмунча салмоқлидир. Нашр этилган адабиётларда муаллифлар кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш омили, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначиликнинг давлат тараққиётидаги ўрни масалаларига ўз тадқиқотлари доирасида ёндашганлар. Диссертация тарихшунослик материалларининг таҳлиliga кўра, иқтисодий мавзуда амалга оширилган илмий тадқиқотлар ҳам эътиборга моликдир. Уларда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалаларининг иқтисодий жиҳатлари, баъзи ўринларда соҳанинг айрим тарихий хусусиятлари баён қилинган. Уларга Н. Тухлиев, М. Шарифхўжаев, Э. Эгамбердиев, Х. Хўжакулов, М. Қосимова, Б. Ходиев, А. Ўлмасов, А. Вахобов, А. Қодиров, Х. Абулқосимов, А. Кулматов, У. Каюмов, Л. Луценко, Н. Мажидов, Наматов М. Эшов, М. Насритдинова, О. Ахмедов, Х. Собиров, А. Фаттахов, С. Ғуломов, Ф. Закиров, Қ. Муфтайтинов, О. Арипов ва бошқалар томонидан чоп этилган илмий манбалар ва қатор илмий тадқиқотларни мисол қилиш мумкин[8].

Айни вақтда мамлакатимизнинг қатор олимлари ишларида мазкур соҳа ривожининг ҳуқуқий[9], ижтимоий-сиёсий[10], ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий-экологик[11] йўналишлари ва соҳани инновацион бошқариш муаммолари бир қанча илмий тадқиқотлар ва асарларда ўз аксини топган. Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг ишларини ўрганиш шуни кўрсатдики, биз танлаган мавзунинг тарихшунослик таҳлили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мустақиллик йилларидаги тарихий ривожланиш тенденциялари яхлит илмий муаммо сифатида ҳозирга қадар ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Мавзу тарихшунослигининг *иккинчи гуруҳи*да хорижда нашр этилган адабиётлар таҳлил қилинди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда соҳада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш масалалари хорижлик олимлар томонидан маълум ёндашувлар асосида ўрганиб келинаётганлигини таъкидлаш ўринли. Булар Борис Румер, Г. Картис, Роджер Д. Кангас, М. Онита, А. Табишалиева, Е. Калюжнова, А. Акимов, Р. Хизрич, М. Питерс, С.В Жуков, О.Б Резникова, Т. А Финк, В. М. А Кусаинов, А. Н Левушкинларнинг тадқиқотларида[12] Марказий Осиё республикалари қатори Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бунда агросоҳанинг ўрни каби айрим масалалар баён қилинган бўлиб, молиявий-иқтисодий жиҳатлари ҳам у, ёки, бу даражада таҳлил этилган.

Тадқиқот натижалари:

Юрт раънақининг иқтисодга боғлиқлиги маълум. Бозор муносабатларигина эркин иқтисодиёт шароитини яратиб, маҳсулот, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, корхоналар мустақиллигини, уларнинг бу йўлдаги ташаббускорликларини таъминлайди. Бозор иқтисодиёти ҳақиқий хўжайиннинг, бошқача қилиб айтганда, мустақил ишлаб чиқариш эгасининг тадбиркорлик, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, дили поклик каби инсоний хислатларини юқори кўтаради. Зеро, мавжуд давлат мулк яккаҳоқимлиги (монополия), ишлаб чиқаришнинг истеъмол устидан ҳукмронлиги меҳнат қилувчини ишлаб чиқариш воситаларидан ажратиб, меҳнатга нисбатан қизиқишини йўққа чиқариб қўяди.

Бизга эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бирёқлама ривожланган, ночор иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолгани барчамизга яхши маълум. Бу тизимнинг жуда кўп нуқсонлари борлигидан хабардормиз. Лекин уларнинг ичида биз учун ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган томони шу эдики, Тошкент шаҳри Ўзбекистон пойтахти сифатида, Республика иқтисодиёти СССР халқ хўжалиги таркибида унинг ажралмас бир қисми бўлиб, ягона умумиттифоқ комплекси деб аталмиш ушбу тизимда аввало арзон хом ашё базаси сифатида хизмат қилар эди.

Аммо шаҳарни иқтисоди-йижтимоий ривожлантириш борасидаги фаолиятига баҳо берган ҳолда 1990 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда сезиларли ўсиш юз

бермаганлигини айтиб ўтиш керак. Бундан ташқари халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида ўсиш суръатларининг пасайишига йўл қўйилди[13].

Агар ўша даврдаги Тошкент шаҳри саноати ва у билан боғлиқ тармоқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг асосан халқ хўжалик хом ашёси ҳамда минерал-хом ашё ресурсларини дастлабки қайта ишлаш ва бу маҳсулотларни СССРнинг бошқа марказий минтақаларига етказиб бериш билан банд бўлганини айтиш лозим. Айни вақтда республиканинг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг 70 фоиздан кўпини таъминлайдиган товарлар, биринчи галда, кенг халқ истеъмол моллари ташқаридан олиб келинади. Жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари, ун, қандолат каби озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми четдан келтирилар эди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмаган, ибтидоий бир ҳолатда эди. Мисол учун, саноатда шартнома мажбуриятлари фақат 99 фоиз бажарилди. Халқ хўжалигига 45 млн. сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Йил давомида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши Собир Рахимов ноҳиясида 95,5 фоизни, Фрунзе-97,2 фоизни, Сергели-98,1 фоизни ташкил этди, мазкур ноҳиялар энг катта колоқликка йўл қўйди. Умуман шаҳар бўйича 35 та саноат корхонаси шартнома мажбуриятларини uddalay олмади. Ип-газлама бирлашмаси, “Тошкент” ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, дурадгорлик буюмлари заводи, “Средазэлектроаппарат” бирлашмаси кўплаб маҳсулотнинг кам етказиб берилишига йўл қўйди. Куйбишев, Хамза ва Октябрь ноҳияларида ишлаб чиқариш ҳажми камайганлиги сабабли шаҳар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йилги даражада қолди.

“Средазкабель” ишлаб чиқариш бирлашмаси-38,5 млн. сўмлик, Эксоватор заводи, лак-бўёқ заводи, “Ташкентхлебопродукт” бирлашмасининг бош корхонаси маҳсулотни кам ишлаб чиқариб, энг куп колоқликка йўл қўйди.

Умуман шаҳар бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириги бажарилганлигига карамай, 25 та корхона режани 58 млн. сумга кам бажарди. Ип-газлама бирлашмаси-25 млн. сумлик, грампластинкалар заводи-8 млн. сумликка яқин, кимё-фармацевтика заводи-3,2 млн. сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди. Бундан ташқари 43 та корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўйди. Тошкент шаҳар режа комиссияси 1990 йил якунларини куриб чиқиб, туман ижроия кўмиталарига 1990 йил режалари ва топшириқларининг бажарилишини чуқур таҳлил қилиб чиқишни, қарамоғидаги корхоналар билан ишлаб чиқаришнинг ёмонлашиб кетиши холларини ўрганиб чиқишни таклиф қилади[14].

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш орқали маъмурий тузумни йўқ қилиб, тенг тақсимот ўрнига меҳнатни даромад билан бевосита боғлаш ва давлат мулк яккаҳокимлиги ўринга турли мулк шакллари ўрнатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу Тошкент шаҳри иқтисодиётида салмоқли ўрин тутди. Ҳозирга келиб, яккаҳокимликка қарши ва нарх-наво сиёсатини тўғри йўналтириш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилди. Шу мақсадда республикада кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилди. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, республика Президентининг фармонларида, ҳукумат қарорларида кичик ва хусусий бизнестан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда, уни моддий-техника ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Бу борада давлат, ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш чораларини куриш, шартномаларнинг тузилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Афсуски 1991 йилнинг 7 январига келиб саноат корхоналари билан тузилган шартномалар фақат 80,9 фоизни ташкил этди, ўтган йилнинг шу даврида эса амалда бу рақам 99 фоизга етган эди. Шартномаларни тузиш ишдаги аҳвол шаҳар режа комиссиясида, бошқа идораларда, жумҳуриятнинг иқтисодий муассасаларида ташвиш уйғотмоқда эди.

Моддий-техника таъминоти масалаларига жиддий эътибор бериш зарур бўлган. Шу даврдаги саноат корхоналари, курилиш мажмуаси ишлаётган шароитларда ана шу масалаларга доимий эътиборни қаратиш керак эди.

1991 йил режаси бўйича, умуман 1991 йилда шаҳар халқ хўжалигининг фаолият кўрсатиш тўғрисидаги масала декабрь ойида барча ноҳия советлари ва ижроқўм раисларининг иштирокида ижроқўмда кўриб чиқилган эди. Ҳар бир ноҳия бўйича 1991 йил режалари ва топшириқлари келишиб олинган эди. 1991 йилда, айниқса йилнинг бошларида Вазирлар

Кенгашининг

15 декабрдаги “1991 йилда халқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги қарорига амал қилиш кераклиги алоҳида қайд қилиб ўтилиш белгиланган эди. Бозор иқтисодиётига тайёргарлик жараёнида эътиборни корхоналар ва ташкилотлар ишини барқарорлигини таъминлашга ҳамда самарадорлигини оширишга қаратиш зарур эди. Шунингдек, молиявий-хўжалик фаолияти даражасини ошириш юзасидан ишларни давом эттириш кераклиги ва бугунги кунда 1990 йил якунлари бўйича тошкент шаҳрида ҳали 33 та зарарига ishlovchi корхоналар мавжудлигини қайд қилишга тўғри келмоқда эди.

Хўжалик юриетишнинг янги методларини жорий этиш ишларини давом эттириш ва 1991 йилги бюджетни шакллантиришга жиддий эътибор бериш зарур эди. Барча ноҳия ва ташкилотларни шаҳар бюджетини қандай қилиб тўлдириш мумкинлиги устида бош қотиришга, яъни бюджетни тўлдиришнинг янгидан-янги манбаларини излаб топишга мажбур қилиш керак эди[15].

Шаҳар бўйича зарарига ишлаётган корхоналар сони сони 1991 йилда 39 тани ташкил этди. Шу сабабли шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаси қўйилар экан, табиийки, зарарига ишлаётган, айниқса шаҳар хўжалигидаги ана шундай корхоналар билан иш олиб бориш масаласи қўйилган эди. 1990 йилда ижроқўм томонидан бу масалага катта эътибор берилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги барча йўналишлар бўйича зарарига ишлаётган халқ хўжалиги тармоқларининг фаолиятини таҳлил қилиб чиқди ва Вазирлар Кенгашига таклифлар билан чиқилди, аммо бу борадаги барча масалалар ҳал этилгани йўқ эди[16].

Юқорида келтирилган фактлар Тошкент шаҳри тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳақиқат етишмаётгандай эди. Яъни, бу ҳақиқат тадбиркорлар учун эркинлик, мустақиллик беришдир. Бу ҳақиқат шундан иборатки, давлатнинг мустақиллиги - бу нафақат сиёсий, балки, энг аввало, иқтисодий тушунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи курук, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз янги давлат, янги жамият қуришга киришган дастлабки кунларданок энергетика-ёқилғи ва ғалла мустақиллигини қўлга киритиш вазифаси билан бир қаторда, ички бозорни ўзимизда, ўз хом ашёмиздан ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг йўлга қўйиш вазифаларини ҳам муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олди. Бу масаланинг ечими, биринчи галда, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ва тармоқларни жадал ривожлантиришни тақозо қилар эди. Шу билан бирга, бу мураккаб вазифани қисқа муддатда ҳал этиш лозим эди. Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва рақобатбардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш зарур эди.

Иттифоқ структурасининг йўқ қилиниши, хўжалик алоқаларини узилиши материал ва хом ашёлар билан таъминланишни қисқартирди ва бу эса ишлаб чиқариш хажмларининг камайишига сабаб бўлди.

Мисол учун, саноат ишлаб чиқаришининг суръатини ўсиш тезлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,8 фоизни ташкил қилди. Фақат 4 ноҳия (Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Яккасарой ва Чилонзор) корхоналари утган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқаришни қисқартирмадилар. I чоракнинг натижалари бўйича шаҳарнинг 76 корхонаси ишлаб чиқариш хажмларини 1712,4 млн. сўмга камайтирдилар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноатда меҳнат унумини 96,1 фоизга тушиб кетди. 68 корхона меҳнат унумини ошишини камайтирдилар ва натижада 1575,3 млн. сўм миқдоридан маҳсулот етказиб берилмади.

Жорий йилнинг I чорагида шаҳарда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 5750,7 млн. сўмга етди, ишлаб чиқаришнинг суръати 90,5 фоизга етди. Товар ишлаб чиқарувчи 175 корхонадан 55 таси ишлаб чиқариш хажмини 1144,7 млн. сумга камайтиришди. Зарар кураётган корхоналар сони камаймаяпти, халқ истеъмоли товарлари билан тула таъминланмаяпти. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши саноатнинг кўп соҳаларидаги ишлар эффективлиги ҳамда молиявий курсаткичларда намоён булмоқда[17].

Мана шундай оғир бир вазиятда кичик ва ўрта корхоналарнинг, хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нечоғли бекиёс эканини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бозор иқтисодиёти эшигимизни астойдил қоқиб, бизни инсонга ғамхўрликни эмас, давлат сиёсий ва иқтисодий механизми манфаатларини кўзловчи юқоридан бериладиган буйруқлардан гаранглик таъсиридаги уйқумиздан уйғотмоқда. Ушбу мудроқлики адолатсиз турмушга хос сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўл учида хизмат кўрсатиш каби кўнгилсиз муносабатларин кучайтирди[18].

Бозор муносабатларигина эркин иқтисодиёт шароитини яратиб, маҳсулот, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, корхоналар мустақиллигини, уларнинг бу йўлдаги ташаббускорликларини таъминлайди. Бозор иқтисодиёти ҳақиқий хўжайиннинг, бошқача қилиб айтганда, мустақил ишлаб чиқариш эгасининг тадбиркорлик, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, дили поклик каби инсоний хислатларини юқори кўтаради. Зеро, мавжуддавлат мулк яккаҳоқимлиги (монополия), ишлаб чиқаришнинг истеъмол устидан ҳукмронлиги меҳнатқилувчини ишлаб чиқариш воситаларидан ажратиб, меҳнатга нисбатан қизиқишини йўққа чиқариб қўйди.

Иттифоқ республикалари корхоналари билан ўзаро алоқалар узилаётган, инфляция жараёнлари издан чиққан бир шароитда иқтисодий ислохотни рўёбга чиқаришга тўғри келмоқда эди. Иқтисодиётнинг барча тизимлари ўртасидаги муносабатларни қайта қуришнинг энг мақбул тадбирларидан бири мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш, давлат мулкни фуқароларга бериш эди.

Ана шундай бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1991йил 19 ноябрда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинади[19].

Шу асосда бозор иқтисодиётини вужудга келтириш орқали маъмурий тузумни йўқ қилиб, тенг тақсимот ўрнига меҳнатни даромад билан бевосита боғлаш ва давлат мулк яккаҳоқимлиги ўринга турли мулк шакллари ўрнатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу масала айниқса Тошкент шаҳри иқтисодиётида салмоқли ўрин тутди.

Хулоса:

Тошкент шаҳри Ўзбекистон пойтахти сифатида Республика иқтисодиёти СССР халқ хўжалиги таркибида унинг ажралмас бир қисми бўлиб, ягона умумиттифоқкомплекси деб аталмиш ушбу тизимда аввало арзон хом ашё базаси сифатида хизмат қилар эди. Тошкент шаҳри саноати ва у билан боғлиқ тармоқлар ҳақидагапирадиган бўлсак, уларнинг асосан халқ хўжалик хом ашёси ҳамда минерал-хом ашё ресурсларини дастлабки қайта ишлаш ва бу маҳсулотларни СССРнинг бошқа марказий минтақаларига етказиб бериш билан банд бўлганини айтиш лозим.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Тошкент шаҳрида зарарига ишловчи корхоналар мавжуд эди. Шу сабабли шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаси кўйилар экан, табиийки, зарарига ишлаётган, айниқса шаҳар хўжалигидаги ана шундай корхоналар билан иш олиб бориш масаласи кўйилган эди. Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш орқали маъмурий тузумни йўқ қилиб, тенг тақсимот ўрнига меҳнатни даромад билан бевосита боғлаш ва давлат мулк яккаҳоқимлиги ўринга турли мулк шакллари ўрнатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу Тошкент шаҳри иқтисодиётида салмоқли ўрин тутди.

Яккаҳоқимликка қарши ва нарх-наво сиёсатини тўғри йўналтириш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилди. Шу мақсадда Тошкент шаҳрида кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент, 2017. – 104 б.
2. Арипов. О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил. -Б 4. 2/2019 (№ 00040)
3. Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. // 100 саволга 100 жавоб (1-қисм). – Тошкент.: Мехнат, 2000. – 352 б.
4. Абулқосимов Х, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. – Тошкент, 2015. – 125 б.
5. Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – 142 с.
6. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққиёт топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари./Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар. 18-том. Тошкент: Ўзбекистон-2010. Б-32
7. Абдуллаев Р. М, Раҳматуллаев Ш. М. Становление и развитие малого и среднего предпринимательства в Республике Узбекистан (1991-2000) // Ўзбекистон тарихи. 2008. №3. –С. 27-28., Раҳматуллаев Ш.М. Состояние и проблемы развития экономики Узбекистана на начальном этапе реформ: исторический анализ // Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental studies, 2014. № 2. -С. 117-126, Раҳматуллаев Ш.М. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар). –Тошкент, Нишон ношир. 2016.; Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. -Ташкент.: Yangi pashr, 2011.; Ўша муаллиф: Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. -Ташкент.: Адабиёт Учкунлари. 2016.; Рахимов М.А., Раҳматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. -Ташкент.: Адабиёт Учкунлари, 2016.; Нуриддинов Э. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан. // Ўзбекистон тарихи. 2002 №4. –С. 7.; Зёмов Ш. Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001гг). Автореф. Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002.; Рашидова Ф. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (Тарихий ёндашув). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. ...автореферати. -Тошкент, 2019.; Халлиев А.Г Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана в с Великобританией и США. Автореф. дисс. .. канд. ист. наук. –Ташкент, 1998.; Голованов А. Мустақил иқтисодий сиёсат стратегияси. // Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. –Тошкент, 2001.; Фуломова Д, М Ўзбекистон хотин-қизлари мустақиллик йилларида. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. (Даврий тўплам). Масъул муҳаррир Д.Алимова. –Тошкент.: Шарқ. 2000. – Б. 143.; Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобиди. -Тошкент, 2013.; Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. -Тошкент, 2009.; Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юрти номутахассислик йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма). -Тошкент, 2011.; Усмонов Қ, Содиқов М ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юртлари барча бакалавр босқичи талабалари учун дарслик). -Тошкент, 2005.; Усмонов Қ, Содиқов М ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юртлари барча бакалавр босқичи талабалари учун дарслик).-Тошкент, 2015.; Ишқуватов В. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш тарихи. (1991-2020 йй) / Монография. - Тошкент, 2020.

8. Тухлиев Н. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли.-Тошкент, 1999. –Б. 90.; Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. –Ташкент.: Ўқитувчи, 2000.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. / Дарслик. –Тошкент, 2003.; Эгамбердиев Э, Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Тошкент., 2003.; Қосимова М.С, Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. –Тошкент, 2003.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодийида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш, Иқтисод фанлари доктори. дисс... автореферати. – Тошкент.; 2000.; Ходиев Б.Ю. Стратегия развития малого бизнеса. – Ташкент.: «Деловой партнер Узбекистана», 2000, №18.; Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодий назарияси. - Тошкент., 2006.; Қодиров А. Иқтисодий назарияси. -Тошкент., 2009.; Абулқосимов Х, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. -Тошкент, 2014.; Каюмов У. Вопросы занятости молодежи Узбекистана. // Стратегия дальнейшего повышения кокрентоспособности национальной экономики. -Ташкент., 2012. - С 236.; Луценко Л. “Пути решения, проблемы ликвидации предприятий”, малый и средний бизнес. // Экономический вестник Узбекистана, -Ташкент, 2000. №8. –С. 20., Мажидов Н, Наматов Э. Худудларни ижтимоий иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли. –Тошкент, 2009.; Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истикболлар. / Монография. –Тошкент. 2017.; Насритдинова М, Ахмедов О. Бизнес стратегияси. -Тошкент., 1996.; Собиров Х, Фаттахов А и другие. Нологообложение предприятий малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан.//Бизнес инкубатор технопарк.-Тошкент, 2000.; Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Тошкент, 2002.; Закиров Ф. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида кичик бизнеснинг ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати.-Тошкент, 2005.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати. -Тошкент, 2004.; Арипов О. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати. -Тошкент., 2006.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати - Тошкент, 2017.; Юлдашев Д. Т. Совершенствование экономического механизма развития семейного предпринимательства. Автореферат дисс. ... доктора философии (Phd) по экономическим наукам. –Ташкент, 2019.; Ходжикулова С. Н. Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалс. доктори (Phd) дисс. ... автореферати. – Тошкент, 2020.

9. Бозоров С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс... автореферати. -Тошкент, 2018.; Бозоров С.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в свободной экономической зоне «Навои» Республики Узбекистан. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси – Тошкент, 2016. – №4. – Б. 53-55 (12.00.00; №11).; Холбеков Н. Иностранные инвестиции: правовое формирование// Рынок, деньги и кредит, 1999. №10.; Курбанова Д.М Состояние нормтивно-првовой базы и ее влияние на развитие малого бизнеса в Республике Узбекистан// Вестник Томского государственного университета.: Экономика, 2016, №2(34).

10. Мусин Т. М. Социально-политические аспекты управления предпринимательской деятельностью (на материалах Ассоциации рестораторов Узбекистана) Дисс. ..канд социологических наук. –Ташкент, – 2010.; Султонов З.Т Особенности государственной поддержки и развития малого бизнеса в Узбекистане. // Молодой учёный. –Ташкент, 2013.№4.; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё

мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Тошкент.: Фан, 2004.; Шарапова С.Ш. Многосторонняя дипломатия Узбекистана: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях: Автореферат дисс. ... доктора полит. наук. –Ташкент, 2006.

11. Ахунова Ш. Тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда экологик талабларни инобатга олиш механизми. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... -Тошкент, 2004.

12. Boris Rumer. Central Asia in transition: dilemmas of political and economic development., USA, 1996. P.281. Glenn E.Curtis. Kazakstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan: country studies // Federal Research Division, Library of Congress. Washington, D.C., P.519., Roger D.Kangas. The Importance of Political and Social Stability for Economic Revival // Central Asia.2010., M.Onita. The Experience of Micro Credit in Kazakhstan, Uzbekistan and the Kyrgyz Republic // Central Asia2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.132-136. 6 Anara Tabishaliyeva. The Challenge of Regional Cooperation in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010, P.138-145. Yelena Kalyuzhnova. An Assessment of Industrial Policy and Employment Prospects in Central Asia // Central Asia-2010. Prospects for human development, Regional Bureau for Europe and the CIS, UNDP, 2010. P.96-110., Alexand Akimov. Central Asia s a region in the World Economy. //Central Asia Conflict Resolution and Change. Published by Douglas Goudie US, editors Roald Z Sagdeev and Susan Einsenhower. 1995.P.275-293. Business report Kazakstan, Turkmenistan, and Uzbekistan // The Economic Intelligence Unit. 1996 у.; Хизрич Р, Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – Москва.: «Прогресс», 1991. –С. 223, Жуков С.В., Резникова О.Б. Центральная Азия в социально-экономических структурах современного мира. // Научные доклады,– Московский общественные научный фонд, Москва, . 2001. № 134.; Финк Т.А. Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития // Молодой ученый, 2012 №4.; Левушкин А.Н. Семейное предпринимательство и семейный бизнес: понятие, правовая природа и перспективы развития. // Вестник Университета им. О.Е.Кутафина (МГЮА). №3. 2018.; Кусаинов М. А. Государственная поддержка развития малого и среднего бизнеса в условиях модернизации экономики: на примере Республики Казахстан. Дисс. .. канд. эконом. наук.- Москва. 2012.

13. Тошкент шаҳар марказий давлат архиви. фонд-10. 7-рўйхат, 487-йиғма жилд, 5-варақ.

14. Тошкент шаҳар марказий давлат архиви. Фонд-10. 7-рўйхат. 487-йиғма жилд. 6-варақ.

15. Тошкент шаҳар марказий давлат архиви Фонд-10. 7-рўйхат. 487-йиғма жилд. 8-варақ.

16. Тошкент шаҳар марказий давлат архиви. Фонд-10. 7-рўйхат. 487-йиғма жилд. 9-варақ.

17. Тошкент шаҳар марказий давлат архиви. Фонд-582. 1-рўйхат. 4-йиғма жилд. 7-варақ.

18. Халқ сўзи газетаси./Жаҳон бозорига чиқиш насиб этармикан? 1991 йил 28 декабрь №250.

19. Lex.uz/acts/127010.



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000